

ТАНГИРОВ Обид

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси
маркази катта илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
tangirovobid8383@gmail.com

МУҲАММАД ШАРИФХЎЖА ҚОЗИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУҲАММАДА ШАРИФХОДЖИ КАЗИ

ABOUT THE ACTIVITIES OF MUHAMMAD SHARIFHOJI KAZI

Аннотация. Тошкент шаҳрида ислом ҳуқуқшунослигига асосланган қозилик судлари тизими асрлар давомида ривожланиб такомиллашиб келган. Шаҳар қозиларининг аксарияти йирик олимларнинг авлодларидан ҳисобланади. Жумладан, Тошкентнинг машҳур қозиларидан бири Муҳаммад Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғли (1817-1904) атоқли тасаввуф уламси ҳазрат Шайх Хованд Тохурнинг авлодларидан ҳисобланади. У Тошкент ва Бухородаги мадрасаларни битириб, мударрис, қози вазифаларидан фаолият юритган.

Таянч иборалар: Муҳаммад Шарифхўжа, қози, даҳа, мадраса, мударрис, сайлов, кутубхона, мустамлака.

Аннотация. Система казийских судов в Ташкенте, основанная на исламской юриспруденции, развивалась и совершенствовалась на протяжении веков. Большинство городских судей-потомки крупных ученых. В частности, один из известных ташкентских судей Мухаммад Шарифходжа Падшахходжа оглы (1817-1904) является потомком известного ученого хазрата Шейха Хованда Тахура. Окончил медресе в Ташкенте и Бухаре, работал мударрисом и казием.

Ключевые слова: Мухаммад Шарифходжа, кази, даха, медресе, мударрис, выборы, библиотека, колония.

Annotation. The system of Kaziys courts in Tashkent, based on Islamic jurisprudence, has developed and improved over the centuries. Most of the city kaziys are descendants of major scientists. In particular, one of the famous Tashkent judges Muhammad Sharif Khojashah khoja oglu (1817-1904) is a descendant of the famous scientist Hazrat Sheikh Hovand Tohur. He graduated from madrasas in Tashkent and Bukhara,

worked as a mudarris and kazi.

Keywords: Muhammad Sharifkhoja, kazi, daha, madrasah, mudarris, elections, library, colony.

КИРИШ

Тошкент шаҳри асрлар давомида Марказий Осиёнинг йирик илм-фан ва маданият маркази сифатида ривожланиб келган. Тошкентда фан ва маданиятнинг ривожланиши шариат ҳуқуқининг такомиллашувига асос бўлди. Қозилик суд тизими шаҳар аҳолиси ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим масалаларни ҳал этувчи қонунчилик марказига айланди. Қозихоналарда фаолият юритган қозилар ўзининг илми, қийин масалаларни ҳуқуқий асослар билан ечиб бера олишлиги, вазминлиги, инсонпарварлиги билан халқ орасида машҳур бўлди. Шундай машҳур қозилардан бири XIX иккинчи ярмида Тошкент шаҳрида фаолият олиб борган Муҳаммад Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғлидир. У киши ҳазрат Шайх Хованд Тохур (1259-1355) [4:76] нинг авлодларидан ҳисобланади [6:16]. Шайх Хованди Тохур авлодлари “шайх”, “қози”, “раис”, “аълам”, “судур”, “нақиб”, “охунд” номида турли амалларда фаолият юритиб Тошкентнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнаб келганлар [6:16].

1865 йил Тошкент шаҳри Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин қозилик судлари фаолияти сақланиб қолди [2:76]. Хусусан, Муҳаммад Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғлининг қози ва зиёли шахс сифатидаги фаолияти Тошкент шаҳар аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин тутди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Муҳаммад Шарифхўжа қозининг отаси Подшоҳхўжа Ўзбекхўжа ўғли халқ орасида танилган етук олимлардан бўлган. Шунинг учун ҳам бу оилада илм-маърифат асосий ўринда турган. Муҳаммад Шарифхўжа 1817 йил Тошкентда Шайх Хованди Тохур даҳасида шу номдаги маҳаллада [1:39] дунёга келган. Ёшлигидан илмга тиришқоқлиги туфайли маҳаллий мактабни эрта якунлаб, Тошкент ва Бухородаги йирик мадрасаларда таълим олади. Мадрасаларни битиргач, қозихонада муфтий, аълам, раис каби вазифаларда фаолият кўрсатди. Тошкентдаги фаолияти давомида Эшонқули

додхох, Хожа Ахрор валий мадрасаларида ёшларга таълим берди. Тошкентда қозиларга сайлов тизими жорий этилгач, Шайхонтохур қозилигига сайловларда бир неча марта ғолиб чиқиб, қози сифатида фаолият юритади.

Россия империяси Тошкент шаҳрини босиб олиш учун қамал қилганида шаҳар фаоллари Шарифхўжа эшон бир неча шерикларини Бухоро амири хузурига ёрдам сўраш мақсадида элчи қилиб юборади [7:69]. Албатта бундай масъулиятли вазифага шаҳарнинг энг фаол ва илғор кишилари юборилгани шубҳасиздир.

Шарифхўжа қози ўз даврининг аллома кишиларидан бўлган. У доимо илм-маърифатли кишиларни қўллаб-қувватлаган. Масалан, атоқли шоир Фурқат билан яқин дўст бўлган [3:3]. Ҳатто Фурқат Муҳаммад Шарифхўжа таклифи билан “Фарҳат” тахаллусида ижод қилган. Баъзи ижодкор зиёлиларга моддий жиҳатдан кўмак берган. Унинг яна бир фазилатларидан бири аجدодларимизнинг ёзма меросига қизиқиши баланд бўлган. Шу туфайли ҳам катта кутубхона ташкил этиб, ноёб кўлёзма асарларни жамлаган. Бугунги кунгача Шарифхўжа қозининг шахсий кутубхонасига тегишли ноёб кўлёзма асарлар етиб келган. Маълумотларга кўра Муҳаммад Шарифхўжа томонидан тўпланган китоблар Тошкент Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондида сақланади. Ушбу китобларга ҳатто Муҳаммад Шарифхўжанинг муҳри ҳам босилган экан.

Муҳаммад Шарифхўжа қозининг кутубхонасида Мир Муҳаммад Замони Тенкабунӣ ад-Дайламиёнинг “Тухфат ал-мўминийн” асари, Саййид Амир Бахш ал-Маккийнинг “Интиҳоби латиф” асари, Муҳаммад Такийнинг “Мужарработ” асари, Юсуф ибн Муҳаммад ал-Ҳиравийнинг “Жомеъ ал-фавоид” ва “Қасида дар асмаъ ажноси адвия” асарлари, Бурҳон ал-Қурайший ал-Аббосийнинг “Тухфат ал-мутакаллимин” асари, Абу Муъин Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асари, Абулмунатаҳа Исматуллоҳ Мағнисавийнинг “Шарҳи Фикҳи акбар” асари, Низомиддин аш-Шошийнинг “Ал-Мухтасар фи илм ал-усул” асари, Лутфуллоҳ Насафий Кайдонийнинг “Фикҳи Кайдоний” асарида битилган шарҳлар, Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Мулло Жомий бар Кофия” асари,

Мулло Муҳаммад Амин Зоҳиднинг “Тухфат ал-ахёр” асари, Яъқуб Чархийнинг “Тафсири Яъқуб Чархий” асари, Абу Тоҳир Маҷидиддин Фирузободийнинг “Сафар ас-саодат”, “Ал-Қомус ал-Мухит” асарлари, Абдулқодир ибн Юсуф Нақибзоданинг “Воқеот ал-муфтийн” асари кабилар борлигини кўриш мумкин [3:4].

Муҳаммад Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғлининг Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхталиш ўринлидир. У бобокалони Шайх Хованди Тоҳур абадий қўним топган макбара ва унинг атрофида жойлашган мажмуадаги барча обидалар, жумладан масжид, мадраса ва макбараларни бус-бутунлигини таминлаш ишларига бошчилик қилади. Отаси Подшоҳхўжа ҳам шаҳарда кўплаб масжидлар бунёд эттирган [7:68-73]. Муҳаммад Шарифхўжа ўз ҳисобидан мажмуада битта масжид бино қилдирган. Шайх Хованди Тоҳур макбараси ва унинг атрофидаги Юнусхон, Қалдирғочбий макбалари ва бошқа обидалар умумий мажмуани ташкил этиб, аҳолининг зиёратгоҳига айланган [9:136-143]. Шунингдек, бу Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси шаҳарда ўтказиладиган турли сайл байрамлари ўтказиладиган сайлгоҳ вазифасини ҳам бажарган. Мажмуанинг йирик дарвозаси бўлиб, XX асрнинг 40-йилларида бузиб юборилган [5:76]. Бу мажмуада доим ҳаёт қайнаган. 1924 йил Шайх Хованди Тоҳур зиёратгоҳи ёпилгунига қадар [5:76] Муҳаммад Шарифхўжанинг авлодлари ва қариндошлари мажмуага ҳомийлик қилиб турган.

“Тарихи жадидаи Тошканд” асарида асосланиб айтганда, 1884 йилдан Муҳаммад Шарифхўжа эшон Хўжа Ахрор мадрасасида мударрис сифатида фаолият юритган [6:144].

Муҳаммад Шарифхўжа 1887 йил Тошкент шаҳар Шайх Хованди Тоҳур даҳасига бўлиб ўтган қозиликка сайловда яна сайланади [8:79]. Ўшанда у сайловда иштирок этган 97 та элликбошидан 77 тасининг овозини олиб ғолиб бўлади [10:38]. Аммо 1891 йил сайловда бошқа киши даҳага қози бўлади. Аслида бундай қозиликка сайловларда Россия империяси ҳукумати ўзининг таъсирини ўтказиб келган. Муҳаммад Шарифхўжа қози миллий манфаатларни сақлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг нуфузли шахсларидан бири сифатида империя маъмурлари билан

келишиб фаолият юритишга ҳаракат қилсада, аммо уларнинг мустамлакача қарашлари ислом илмларининг етук мутахассиси бўлган қозининг нафратини кўзғар эди. Империя маъмурлари 1891 йил Муҳаммад Шарифхўжани қозилик мансабидан олган бўлсада, уни 1892 йил Россия империяси медали билан тақдирлаган. Қози бундай алдовлар империянинг янги найранги эканлигини яхши англари эди. Шунинг учун ҳам “Вабо исёни”нинг асосий ташкилотчилари сифатида Шарифхўжа қози ҳам фаол қатнашади. Исён бостирилгач у Астраханга уч йил муддатга сургунга ҳукм қилинади. Унинг нуфузи, кўп йиллик қози сифатидаги фаолияти ва бошқа жиҳатларни инобатга олиб, Муҳаммад Шарифхўжага генерал-губернатор номига авф хати ёздириб, гуёки қозини сургундан сақлаб қолади. Аслида 75 ёшдан ошган Муҳаммад Шарифхўжа қози каби халқнинг нуфузли кишисини авф этиб, империя ҳукумати маҳаллий аҳолининг эътиборини қозонмоқчи бўлади.

ХУЛОСА

Муҳаммад Шарифхўжа қози 1904 йилда Тошкентда вафот этади. Унинг кейинги авлодлари ҳам Тошкент шаҳрининг нуфузли шахслари сифатида ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жараёнларда фаол қатнашган. 1884 йилдан Муҳаммад Шарифхўжа қозининг ўғли Орифхон махзум Шайх Хованди Тохур мажмуасида жойлашган Эшонқули додхоҳ мадрасасида мударрис сифатида дарс берган [6:147]. 1887 йилда эса Орифхон махзум Себзор даҳаси қозихонасига аъламликка тайинланади [6:147]. Муҳаммад Шарифхўжа ўғли Садриддинхон эшон ҳам қозихоналарда фаолият юритган. У мадрасада мударрис бўлиб, кўплаб талабаларга устозлик қилган. 1917 йилда Туркистон зиёлилари билан миллий ғояларини илгари сурган. Албатта бундай салоҳиятга етишишида отаси Муҳаммад Шарифхўжа қозининг таълим-тарбияси муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Муҳаммад Шарифхўжа қози Россия империяси мустамлакачилиги даврида яшасада, империя амалдорлари билан муроа йўли орқали жамиятда чин эътиқод, миллий маънавиятни сақлашдек залворли юкни елкасида кўтарган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси. – Тошкент: Noshirlik yog’dusi, 2009.
2. Голендер Б. Мои господа ташкентцы. – Ташкент, 2009.
3. Зиёдов Ш., Султонов Ў. Тошкент қозиси Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғли // Имом Бухорий сабоқлари. – Самарқанд, 2022. – № 2.
4. Муҳаммадкаримов А., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Navro‘z, 2016.
5. Муҳаммадкаримов А., Тошкентнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.
6. Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
7. Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
8. Тангиров О. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” қисми маъмурий бошқаруви ва ижтимоий ҳолати. – Тошкент: Renessans press, 2009.
9. Эралиев Б., Останакулов И. Абдулахатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2009.
10. Ўзбекистон миллий архиви. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 3106-иш.